


“ТИҚХММИ” Миллий тадқиқот университети

***МАВЗУ: ШҮР ЮВИШ ЖАРАЁНИ ВА
ХИСОБИ***



Ўқитувчи: “И ва М” кафедраси асс. Юлчиеев Д.Г

Режа

1

- Шўр ювишнинг мақсади, вазифаси

2

- Суғориладиган ерларни шўр ювишга тайёрлаш

3


- Шўр ювиш жараёни. Шўр ювиш меъёрларини аниқлаш.

Шўр ювишнинг мақсади, вазифаси ва турлари


- Кишлоқ хўжалик экинларининг ўсиши, ривожланиши, мўл ҳосил бериши ва ҳосил сифати учун зарарли бўлган ортиқча тузларни тупроқдан кетказиш ҳамда сизот сувлар минераллашганлигини камайтириш.

Шўрланган тупроқлар

- Қишлоқ хўжалиги экинларининг нормал ривожланишига тўсқинлик қиласиган микдорда сувда осон эрийдиган тузи бўлган ҳар қандай тупроқ шўрланган тупроқлар дейилади.
- Бу тупроқларниг устки ёки ости қатламларида сувда осон эрийдиган кўп микдордаги минерал тузлар бўлади



Республикамизда суғориладиган ерларнинг шўрланганлик даражаси




**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАР МЕЛИОРАТИВ ҲОЛАТИНИ
ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАРИ**


**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
«2013-2017 йилларда суғориладиган ерлар
мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан
оқилона фойдаланиш бўйича комплекс
чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1958-сон қарори
қарори қабул қилинди.**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил
27 ноябрида “2018-2019 йилларда ирригацияни
ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг
мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури
тўғрисида”ги
3405-сонли қарори қабул қилинди.**

Шўрланган майдонларнинг камайиб бориш тартиби



шўрланмаган майдонлар




Тупроқларда учрайдиган сувда эрувчан тузларнинг таркиби

$NaCl$ (ош тузи)	Na_2SO_4 (глаубер тузи)	Na_2CO_3 (кир сода)	$NaHCO_3$ (ичимлик сода)
$MgCl_2$ (магний хлорид)	$MgSO_4$ (магний сульфат)	$MgCO_3$ (магний карбонат)	$Mg(HCO_3)_2$ (магний бикарбонат)
$CaCl_2$ (кальций хлорид)	$CaSO_4$ (гипс)	$CaCO_3$ (охак)	$Ca(HCO_3)_2$ (кальций бикарбонат)

Ер ости сизот сувлари
сатҳини ўлчаш ва ерларнинг
шўрланиш даражасини
аниқлаш учун тупроқдан
намуна
олиш жараёнлари



Тупроқ шўрини ювишга ишлатиладиган сувларнинг ҳамда тупроқ шўрлигини ИСМИТИнинг экспресс-методи воситалари асосида баҳолашни оптималлаштириш




Тупроқ намуналарини шўрланиш даражаси ва сизот сувларининг минериализациясини аниқлаш ҳамда тозаланган коллекторни қабул қилиш ишларини иштирок этиш жараёнлари




Ерларни шўр ювишга тайёрлашда нималарга ахамият бериш керак

- Ерларни шўр ювишга тайёрлашдан аввал, суғориш тармокларини ва айниқса, зовурларни ўсимлик ва лойқадан тозалаш зарур.
- Шўр ювиш учун олинган поллар бир текисда бўлиши керак, бу билан сувдан самарали фойдаланилади ва шўр ювиш бир текисда олиб борилади.

КОЛЛЕКТОР ВА ЗОВУРЛАР



Зовур-коллектор сувларини биологик усулда тозалаб қайта фойдаланиш



Сувни тозалаш.mp4

- Ерлар ҳайдалгандан кейин майдонларни планировка қилиш, текислаш Т-150, «Магнум» тракторларида узунбазали текислагич мосламаси билан ёки кесакли жойларда оғир дискли БДМ-2 молалаш мосламаси билан икки йүналишда молаланади.
- Текисланган ерларда поллар олинади, полларнинг майдони ерларни молалаш сифатига ва майдонларини нишаблигига қараб куйидаги жадвалга асосан олинади.





Шўр ювишдан олдин ҳайдаладиган ер майдонлари чуқурлиги 30–40 см қилиб «Магнум» ёки занжирли тракторларда ПЯ – 3-35 мосламаси билан ҳайдалади, агар тупроқнинг сув ўтказувчанлиги паст бўлса, у холда 60 – 70 см чуқурликда юмшатилади.


“Чирчиқсельмаш” ОАЖда ишлаб чиқариладиган КЗУ-0,3Д пол олиш ускунасининг орқадан кўриниши





Полларнинг максимал майдони 0,5 гектардан юқори бўлмаслиги керак. Пол деворининг баландлиги 0,5 м, пол девори тагининг кенглиги 1.2 м, пол деворининг тепаси 0,2 м бўлиши керак, бунинг учун Т-4А ёки «Магнум» трактори хамда пол олиш учун КЗУ-0.3 (полоделка) мосламаси бўлиши керак.

Шур ювиш жараёни схемаси



Шүр ювиш жараёни



Ернинг нишаб- лиги, <i>i</i>	Полнинг катталиги		
	Эни, м	узун- лиги, м	1 та полни кенглиги, га
0,002	50	50	0,250
0,002- 0,004	50	33	0,165
0,004- 0,006	50	25	0,125
0,006- 0,010	50	17	0,085

Суғориладиган ерларда шўр ювиш

- Тупроқнинг фаол қатламидаги тузларни фаол қатламдан узоклаштиришда қўлланилаётган усул бу шўр ювиш ҳисобланади.
- Шўр ювиш фақат мунтазам зовур бор ерларда жорий ва асосли кўринишларда олиб борилади.
- **Жорий шўр ювиш** – тупроғи ҳали шўрланмаган, лекин шўрланиш хавфи бўлган, шўрланган ёки тупроқ шўрланиб қолишининг бирор белгиси топилган тупроқларда қўлланилади.
- **Асосли шўр ювиш** ташландик, қурук, чўл ерларни ўзлаштиришда ва шўр ювиш меъёри $3000\text{ m}^3/\text{га}$ дан кўп бўлган майдонларда қўлланилади.
- **Шўр ювиши меъёри** деб шўрланган 1 га майдоннинг маълум қатламини чучуклаштириш учун керак бўладиган чучук сув ҳажмига айтилади. (Ўлчов бирлиги - $\text{m}^3/\text{га}$).

Шўр ювиш меъёлари


Шўр ювишга бериладиган сув микдори ерларни шўрланиш даражасига қараб борилади, яъни:

- а) кам шўрланган ерларга бериладиган сув меъёри $1500 \text{ м}^3/\text{га}$ бўлиб, бир марта қўйилади;
- б) ўртача шўрланган ерларга бериладиган сув меъёри $2500 \text{ м}^3/\text{га}$ бўлиб, икки марта бўлиб берилади;
- в) кучли шўрланган ерларга бериладиган сув меъёри $4000 \text{ м}^3/\text{га}$ бўлиб, уч марта бўлиб берилади.

Полларни навбатлаб сув билан түлдириш



Муваққат зовурлар



Агар шўр ювишда зах сувларни майдондан олиб чиқиб кетишга доимий зовурларнинг имконияти етмаса, у холда муваққат зовурлар лойихаланади.

Муваққат зовурга тушадиган юк микдори қуидагича аниқланади.

$$V_{\text{мз}} = v - v_g, \text{ м/сутка}$$

бу ерда: v - шўр ювиш вақтида доимий зовурга тушадиган юк, м/сутка;
 v_g - шўр ювиш вақтида доимий зовур олиб чиқиб кета олиши мумкин бўлган сув микдори, м /сутка.

Шўр ювиш меъёрини аниқлаш

Бир метрли тупроқ қатлами учун В. Р. Волобуев формуласи:

$$M = 10000 \cdot h \cdot \lg \left(\frac{S_D}{S_O} \right)^\alpha, \text{ м}^3/\text{га}$$

бу ерда α - эркин туз бериш коэффициенти;

S_D, S_O - тупроқдаги тузларнинг шўр ювишгача ва йўл қуйилган миқдори, оғирликка нисбатан % ҳисобида,

h - шўр ювиш қатлами қалинлиги , м

Агар шўр ювиш қатлами қалинлиги 1 м дан ошса, унда шўр ювиш меъёрининг қиймати қуйидаги формуладан ҳисобланади:

$$M = 10000 \cdot \left[\lg \left(\frac{S_D}{S_O} \right)^\alpha + \frac{\alpha}{\mu} \cdot h \right], \text{ м}^3/\text{га}$$

бу ерда μ – шўр сувларни олиб чиқиб кетиш тезлигига боғлиқ коэффициент ;

h – шўр ювиш қатлами қалинлиги , м.

1-jadval: α - Erkin tuz berish ko'rsatkichini aniqlash jadvali

Tuproqning mexanik tarkibi	Xlorli	Sulfat xlorli	Xlor Sulfatli	Sulfatli
Engil qumoq	0,62	0,72	0,82	1,18
O'rta qumoq	0,92	1,02	1,12	1,48
Og'ir qumoq	1,22	1,32	1,42	1,78

S_D - tuproqdagi tuzlarning dastlabki miqdori %. (topshiriq blankasidan olinadi)

S_{ch} - tuproqdagi tuzlarning yo'l qo'yilgan chegaraviy miqdori, %

S_{ch} ning qiymatlari sulfatli va xlor sulfatli sho'rlanishda xlor tuzlarining miqdori bo'yicha, xlorli xlorli sho'rlanishda esa tuproqdagi umumiylar miqdori (quruq qoldiq) bo'yicha hisoblanadi. (2-jadval)

2-jadval: S_u Tuproqdagi tuzlarning yo'l qo'yilgan chegaraviy miqdori

Sho'rlanish turi	Tuzlarning yo'l qo'yilgan chegaraviy miqdori		
	Quruq qoldiq	Xlor ionı	Sulfat ionı
Xlorli	0,3	0,01-0,03	0,02
Sulfat xlorli	0,3	0,01-0,03	0,04
Xlor Sulfatli	0,4	0,01-0,03	0,19
Sulfatli	1,0	0,01-0,03	0,82

В.А.Ковда формуласи (шўртоб тупроқлар учун) бўйича

$$M = h_1 \cdot h_2 \cdot h_3 \cdot 400 \cdot x \pm 100, \text{мм}$$

Бу ерда:

- h_1 - тупроқнинг механик таркибини хисобга олувчи коэффициент
- h_2 - сизот сувларининг жойлашиш чуқурлигига боғлиқ коэффициент
- h_3 - сизот сувларининг минераллашганлик даражасига боғлиқ коэффициент
- x - Тупроқнинг қуруқ массасига нисбатан % ҳисобида сувда эрийдиган тузларнинг миқдори

Мавсумий шўр ювиш меъёрини аниқлаймиз

$$M_m = H \cdot A \cdot (\beta_{ЧНС} - \beta_0) + 100 \cdot (A - \beta'_{ЧНС}) \cdot h_c, \text{м}^3 / \text{га}$$

бу ерда:

h_c - шўр ювишдан сўнг сизот сувларининг йўл қўйилган кўтарилиш баландлиги

A - тупроқнинг ғоваклиги, %-да хажмга нисбатан % ҳисобида, механик таркиби ўртача бўлган тупроқларда

$\beta_{ЧНС}$ - тупроқнинг чегаравий нам сифими, ғовакликга нисбатан % ҳисобида;

β_0 - тупроқнинг шўр ювиш олдидаги дала нам сифими, ғовакликга нисбатан % ҳисобида;

$\beta'_{ЧНС}$ - тупроқнинг чекланган дала нам сифими, тупрок оғирлигига нисбатан % ҳисобида;

Шўр ювиш давоматини аниқлаш

- Шўр ювиш меъёри (M) мавсумий шўр ювиш меъёри (M^m) билан солиштирилади. Агар $M > M^m$ бўлса, у ҳолда шўр ювиш бир неча мавсумда амалга оширилади:

$$n = \frac{M}{M^m}.$$

- Мавсумий шўр ювиш меъёрини амалга ошириш сони ва бир маротабалик шўр ювиш меъёрларини белгилаймиз.

$$m_1 = H \cdot A \cdot (\beta_{ЧНС} - \beta_0), m^3 / га$$

- Иккинчи томондан эса энг катта меъёр:

$$m_{ЭК} = 10000 \cdot h, m^3 / га$$

- Шўр ювишни умумий муддатини аниқлаймиз:

$$T = \frac{\omega_{ХИТ}^{\delta p} \cdot M_m}{86400 \cdot Q_{ХИТ}^{тез} \cdot \eta_{ХИТ}}, \text{кун}$$



**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАХМАТ !**

photograph by Sinae